ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИ, ҒАЙРАТИНГИЗГА БАЛЛИ!

Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл, Юқори Чирчиқ, Бўка районларининг азамат механизаторлари кунига 5-6 процентдан ошириб пахта термоқдалар. *Ҳамма ерда машиналарнинг унумли ишлашига эришайлик!*

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 ИЮЛ ЧИҚИШИ

№ 186 (3668).

20 СЕНТЯБРЬ ЧОРШАНБА 1967 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

Н. ХАТАМОВ ЗВЕНОСИ МАРРАГА ЕТДИ

ОҚҚЎРҒОН. (Телефон орқали олинди). Пахтакорлик шарафли касб. Бу касбни улуғлаётган деҳқонлар йил сайин «оқ олтин»дан баракали хирмонлар кўтариб, халқимизни, партиямизни, она-Ватанимизни хушнуд қилмоқдалар. Карл Маркс номли колхознинг уста механизатор Налибой Хатамов бошлиқ комплекс-механизациялашган звеноси пахтакорлари ҳам ана шундай ўз касби шарафини улуғлаётган деҳқонлардандир. Улар ҳар йили ўз зиммаларидаги социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариб келишяпти.

Йиғим-терим мавсумига анча барвақт пухта ҳозирлик кўриб қўйган деҳқонлар пахта қиққос очилиши биланоқ «зангори кема»ларни шиддат билан ишга туширибюбордилар. Суворийларга звено бошлиғи Налибой Хатамовнинг ўзи йўлбошчи бўлди. Бункерлардан тўкилган тонна-тонна пахта кун сайин хирмон баракасига барака қўшаверди.

Ниҳоят-гавғо! Йиғим-терим мавсуми бошланганига ҳали унчалик кўп вақт ўтгани йўқ. Лекин, шундай бўлса ҳам бу звено пахтакорларн областимизнинг бошқа икки-учта пешқадам звеноси сингари энг биринчилар қаторн маррага етиб келдилар.

Звено қирлик ерларга жойлашган. Шунинг учун гектар бошига 19 центнерди ҳосил олиш планлаштирибберилган. Лекин, ҳосил мўл бўлганлиги туфайли биринчи машина термидаёқ гектар бошига 20,7 центнердан «оқ олтин» териб олинди. Шундай қилиб, пахта тайёрлаш планн 108 процент адо этилди.

Ҳалн звено далаларида ҳосил жуда кўп. Деҳқонлар ҳосилдорликни 19 центнер ўрнига 30 центнерга албатта етказишга қатъий қарор қилдилар. Ана шу мажбурият 15 октябргача бажарилади.

Баракалла, азаматлар! Хирмонингизга барака киравераснн!



ОҚҚЎРҒОН район и дагн «Москва» колхозида машиналар теримга тушгач суръатга суръат яна ҳам қўшилиб кетди. Пахтакорлар кунига йиллик планнинг 3—4 процентн миқдорида «оқ олтин» топширишаяпти. Суратда: «зангори кема»лар билан пахта териш пайтн.

А. Абалян фотоси.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

Шу кунларда областимизда бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Партия группаларининг ташкилотчилари, бошланғич ва цех партия ташкилотларининг секретарлари коммунистларга ўтган бир йил ичида қилинган ишлар юзасидан ҳисоб бермоқдалар.

Ўтган ҳисобот даври ўзининг алоҳида хусусиятларига эга. Саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда катта ўзгаришлар рўй берди. Ўтган давр бутун мамлакатимиз, шу жумладан областимиз меҳнаткашларининг Советлар ҳокимияти шонли ярим асрлик юбилейига зўр тайёргарлик кўриш даври бўлди, меҳнат фронтининг ҳамма соҳаларида катта-катта зафарлар қўлга киритилган давр бўлди. Саноат корхоналарида планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги усулига ўтиш соҳасида жуда катта ишлар қилинди. Пахтачиликда, сабзавотчиликда, чорвачиликда меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив формалари жорий қилинмоқда. Мана шу сингари тадбирларни уюшқоқлик билан амалга оширишда бошланғич партия ташкилотлари жуда катта ташкилий-оммавий иш олиб бормоқдалар.

Ҳисобот даврида бошланғич партия ташкилотлари КПСС XXIII съезди қарорлари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети V Пленуми кўрсатмаларига амал қилиб ўз сиёсий ва жанговарлик қобилиятларини оширдилар. Областимизда бошланғич партия ташкилотлари сон жиҳатидан ўсди, сифат жиҳатидан анча яхшиланди. Энг муҳим ишлаб чиқариш участкаларида — саноат корхоналари, колхоз ва совхозларда қўшимча 450 га яқин цех партия ташкилоти ва 500 дан ортиқ партия группаси тузилди. Район ва шаҳар партия комитетлари ишда кўпроқ бошланғич ташкилотларига суянадиган, шу билан бирга уларга ҳар томонлама зарур амалий ёрдам кўрсатадиган бўлиб қолдилар.

Бошланғич партия ташкилотларининг иш услуби тобора такомиллашиб бораётганлиги қувончли ҳол. Эндиликда улар майда-чуйда хўжалик ишларига аралашмай, балки партия ҳаётининг ленинча нормаларига риоя қилиш, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида туғилаётган яхши ташаббус ва ватанпарварлик ҳаракатларини кенг оммалаштириш, партия, давлат интизомини мустаҳкамлаш, хўжаликка доир етилган масалаларни муҳокама қилишга кўпроқ эътибор бермоқдалар.

Бошланғич партия ташкилоти фаолиятига, коммунистлар ишига бериладиган баҳо айни вақтда бутун коллектив иш фаолиятига бериладиган баҳодир. Областдаги кўпгина корхоналар, колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотлари ўз ҳисобот-сайлов йиғилишларига яхши натижалар билан келдилар. «Таштекстильмаш», «Ташсельмаш», Бекобод металлургия заводлари, Чирчиқ электрохимия комбинати ва бошқа қатор корхоналар юбилей йилида юксак техник-иқтисодий кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар. Бу муваффақиятларда ишлаб чиқариш масалалари билан чуқур шуғулланиб, социалистик мусобақани пухта ташкил этаётган, коллективни юбилей йили мажбуриятларини тўла бажаришга сафарбар қилаётган коммунистларнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.


«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози, Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги», Юқори Чирчиқдаги «Правда», Ўрта Чирчиқдаги «Полярная звезда», Бекободдаги Ленин номли колхозлар ва бошқа хўжаликларнинг партия комитетлари цех партия ташкилотлари ва партия группаларининг кўмагига таяниб коммунистларни, бутун коллективни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл етиштириш ва таннархни арзонлаштириш учун, ички резервларни излаб топишга ҳамда ишга солишга сафарбар қилмоқдалар.

Бироқ областимизда ҳали ишлаб чиқариш масалаларидан ўзини четда тутадиган, сиёсий-тарбиявий, оммавий-ташкилий ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйган бошланғич партия ташкилотлари ҳам йўқ эмас. Шу сабабдан ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар ютуқларни кўрсатиш билан бир қаторда йўл қўйиб келинаётган камчиликларни ҳам рўй-рост очиб ташлашлари, уни бартараф этиш йўлларини белгилаб олишлари зарур. Бунинг учун мажлисларга олдиндан пухта тайёргарлик кўриш, унинг партиявий принципиаллик руҳида, ўз-ўзини танқид шиори остида ҳамда партия ички демократиясига тўла риоя этган ҳолда ўтишини таъминлаш керак.

Ҳисобот-сайлов йиғилишининг савияси, таъсирчанлиги кўп жиҳатдан секретарь ёки партия группаси ташкилотчисининг ҳисобот докладига ҳам боғлиқ. Демак, ҳисобот доклади коммунистларнинг фикр-ўйлари, иштак-мулоҳазалари асосида пухта тайёрланганидагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Ҳисобот доклади — коллективнинг ижоди, муҳим партиявий ҳужжат. Қабул қилинадиган мажлис қарори эса конкрет, коммунистлар танқидий мулоҳазаси ва таклифлари ҳисобга олинган ҳолда ёзилиши зарурки, бу пировардида партия ташкилоти фаолиятини яхшилашга, партиявий-ташкилий ишлар даражасини кўтаришга хизмат қилсин. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида партия группаси, бюро ва комитетнинг йиллик фаолиятига баҳо бериш билан бирга ташкилотнинг раҳбар органи ҳам сайланади. Бунда раҳбар кадрларни — партия группаси ташкилотчиси, бюро, комитет аъзолари ва секретарларини тўғри танлаш айниқса муҳим. КПСС XXIII съезднинг секретарлик лавозимида қолиш муддатидаги чеклашларни олиб ташлаш ҳақидаги қарори партия ташкилотлари ҳаётида ижобий роль ўйнамоқда.

Партия органларига сайлов ўтказиш тартиби КПСС Устави ва Марказий Комитет инструкциясида аниқ белгилаб қўйилган. Район ва шаҳар партия комитетлари бу тартибга тўла риоя қилинишини кузатиб бориш ҳамда коммунистларнинг ҳисобот-сайлов йиғилишларини уюшқоқлик билан ўтказишга ёрдамлашишга даъват этилгандирлар.

Бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бутун партиямиз ҳаётида катта снёсий аҳамиятга эга бўлган муҳим воқеадир. Бу сиёсий кампаниянинг муваффақиятли ўтиши, шубҳасиз, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини тағин ҳам оширишга, коммунистик қурилишнинг барча жабҳаларида эришилаётган ютуқларимизни кўпайтиришга хизмат қилади.



«КЎК ОЛТИН» ДАВЛАТГА

«ПОЛИТОТДЕЛ» ЛУБКОРЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

Совет ҳокимиятининг ярим асрлик тўйини катта тўёналар билан кутиб олиш мақсадида умумхалқ мусобақасига кўшилиб, юбилей вахтасида туриб астойдил меҳнат қилаётган Юқори Чирчиқ районидаги машъал «Политотдел» колхозининг аъзолари бирин-кетин қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Куни-кеча колхоз лубкорлари давлатга «кўк олтин» сотиш йиллик планини шараф билан бажарганликлари тўғрисида ғалаба рапорти бердилар. Юбилей йили плани ўтган йилдагига нисбатан 17 кун барвақт бажарилди. Она-Ватан омборларига 26 минг тоннадан кўпроқ биринчи сортли каноп пояси етказиб берилди. Хўжалик деҳқонлари йил бўйи ҳосилдорликни ошириш учун зўр ғайрат билан ишлаганликлари туфайли ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар гектардан ўрта ҳисобда 200 центнердан ортиқ ҳосил ўриб-йиғиб олинди.

Колхозда уста деҳқонлар кўп. Улар ишлаётган бригадаларда ҳосилдорлик ҳар йилгидан ҳам юқори бўлмоқда. Ғани Каримов, Анатолий Ким, Петр Тен, Холмат Мирсалмонов, Валерий Тен ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадаларнинг деҳқонлари ҳозиргача гектар бошига 210—220 центнердан хирмон кўтардилар.

Хўжаликда бошқа тармоқлар қатори лубчилик ҳам жадал суръатлар билан комплекс механизациялаштирилмоқда. Каноп ўрим-йиғимида ишлатиладиган янги «ЛС» агрегатлари бу йил тўла жорий этилди. Натижада илгариги йиллардагидек ўрим-йиғим мавсумида четдан ишчи кучи ёллашга эҳтиёж колмади.

Ҳозир колхоз далаларида каноп ўрим-йиғими қизғин давом эттирилмоқда. Айни вақтда уруғлик каноп ҳам йиғиштириб олиняпти. Лубкорлар далада колган ҳосилни ҳисоблаб чиқиб, Улуғ Октябрь шарафига пландан ташқари яна камида 7—7,5 минг тонна каноп пояси сотишга аҳд қилдилар.

Колхознинг азамат пахтакорлари шу кечакундузда «ок олтин» йиғим-тернмини тобора авж олдирмоқдалар. Кунига 5—6 процентдан пахта тайёрлаётган деҳқонлар йиллик планни ҳозиргача 30 процентдан ошириб юбордил Улар «Юбилей йили планини 10 октябрга қадар, социалистик мажбуриятимизни эса Октябрь байрамига қадар бажарамиз» демоқдалар.

Юбилей йилида қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари бўйнча олинган социалистик мажбуриятларни ҳам политотделлик азаматлар шараф билан бажаришяпти. Чорвадорлар давлатга гўшт сотиш йиллик планнни 103 процент, жун сотиш планини салкам 127 процент адо этдилар. Хўжалик пиллакорлари она-Ватанга 34 минг килограммдан ортиқ аъло сифатли пилла етказиб бериб, ўз зиммаларидаги социалистик мажбуриятни анча ортиғи билан адо этдилар.

Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллиги арафасида машъал «Политотдел» колхози ана шундай қувончли зафарлар кучмоқда. Юбилей яқинлашгани сари бу зафарлар кўпайиб бораверади.

ИЛҒОР САБЗАВОТЧИЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Область партия комитети ва область ижроия комитети районлар, совхозлар ва колхозларда давлатга сабзавот, картошка, полиз экинлари маҳсулоти, мева ва узум топшириш ҳамда сотиш юзасидан сентябрь ойи биринчи ўн беш кунлиги якунларини кўриб чиқиб қарор қабул қилди.

Қарорга мувофиқ область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Оржоникидзе районида** қолдирилди. Район сентябрнинг биринчи ярмида сабзавот, картошка, полиз экинлари маҳсулоти, мева ва узум топшириш, сотишда катта кўрсаткичларга эришган.

Область партия комитети, область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Калинин районидаги **«Назарбек» совхозига** берилди.

Шунингдек область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Оржоникидзе районидаги **«Правда» колхозига** ҳам берилди.

Давлатга кўплаб сабзавот, картошка, полиз экинлари маҳсулоти, мева ва узум топшириб, сотаётган илғорларни мукофотлаш учун Оржоникидзе район ижроия комитетига 150 сўм, «Назарбек» совхозига ва «Правда» колхозига 50 сўмдан пул ажратилди.

Юбилей йили Ок олтини

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 19 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Районлар	бир кунда	мавсум бошидан бери	Машина терими	
			бир кунда	мавсум бошидан бери
Янгийўл	4,70	31,54	5,91	25,98
Оққўрғон	4,91	21,23	6,27	24,48
Оржоникидзе	3,61	20,70	2,00	3,36
Юқори Чирчиқ	4,31	19,93	5,33	21,33
Бўка	3,68	18,52	5,00	20,96
Ўрта Чирчиқ	4,41	17,88	6,33	20,02
Бекобод	1,92	11,69	2,17	8,24
Область бўйича	4,04	20,66	5,31	20,63

ТУРКИЯ БОШ МИНИСТРИ МОСКВАГА КЕЛДИ

МОСКВА, 19 сентябрь. (ТАСС). Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ, Туркия Республикасининг Бош министри Сулаймон Демирел расмий визит билан бугун Москвага келди.

Внуково Аэродромида Туркия ҳукуматининг бошлиғини СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

Шу йил 13 сентябрда КПСС Марказий Комитетида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси билан Буюк Британия Коммунистик партияси делегациясининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда КПСС томонидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, Буюк Британия Коммунистик партияси томонидан партия Бош секретари Жон Голланд, Буюк Британия Компартияси Ижроия Комитети Сиёсий Комитетининг аъзоси, «Морининг стар» газетасининг бош редактори Жорж Мэтьюз қатнашдилар.

Делегациялар бир талай халқаро проблемаларни муҳокама қилишда ва икки ўртада бўлиб ўтган фикрлашув пайтида ҳар иккала партия ўртасидаги дўстона муносабатларни тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлаганлигини мамнуният билн қайд қилишди.

БОКУДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги ва бу революциянинг Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг миллий озодлик ҳаракатига кўрсатган таъсирига бағишланган халқаро илмий конференцияга тўпланган чет эл ва совет олимларини, жамоат арбоблари ва сиёсий арбобларни КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совёти номидан қизғин табриклаймиз.

Конференция совет халқи ва бутун прогрессив инсоният жаҳонни яшшсига революцион янгилаш даврини, кишиларни социал ва миллий зулмнинг ҳамма турларидан халос қилиш даврини очиб берган Улуғ Октябрнинг шонли юбилейини нишонлаётган кунларда тўпланди.

Улуғ Ленининг ташаббуси билан Бокуда Шарқ халқларининг тарихий съезди бўлган эди. Конференциянинг Бокуда, шонли революцион традицияларга эга бўлган шаҳарда чақирилиши миллий озодлик ҳаракати ишчилар синфининг жамиятни социалистик негизда қайта қуриш учун олиб борган кураши билан маҳкам боғланганлигини таъкидлайди.

Россиядаги социалистик революция империалистларнинг мустамлакачилик ҳукмронлиги бутун системасига жуда қаттиқ зарба берди, миллий озодлик ҳаракатини ривожлантиришнинг кудратли стимули бўлди, империализм мустамлакачилик системасининг кризисига асос қўйди.

Ленинча миллий сиёсатнинг амалга оширилиши Россиянинг ўтмишда эзилган халқларини уйғотди ва мустақил бунёдкорлик ишларига отлантирди, мамлакатимиздаги барча халқларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан амалда тенг бўлишларини таъминлади. Совет Иттифокида социалистик қурилиш тажрибаси қолоқлик, қашшоқлик, жаҳолат тарихан қисқа вақт ичида қай тарика тугатилиши, экономика, фан, маданиятни ривожлантиришда, катта ва кичик ҳамма халқлар ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида қандай ажойиб муваффақиятларга эришиш мумкин эканлигини яққол кўрсатади.

Кўп миллатли социалистик давлатимиз тараққиётининг ана шу тажрибаси социализм идеяларининг, пролетар интернационализми идеяларининг тантанасини амалда намойиш қилади.

Совет давлати улуғ Ленин васиятларига амал қилиб, бошқа мамлакатларнинг халқлари билан қардошларча бирдамлик ва дўстлик сиёсатини ҳамиша ўтказиб келмоқда, уларнинг империалистик зулм ва агрессиянинг ҳар қандай кўринишларига қарши олиб бораётган курашини қўллаб-қувватламоқда. Совет давлати миллий озодлик кучларининг озодлик ва социал тараққиёт йўлидаги курашини сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, уларга моддий ёрдам кўрсатмоқда. Совет Иттифокининг американинг интервентларга қарши, ўз ватанининг мустақиллиги ва озодлиги учун жанг қилаётган қаҳрамон Вьетнам халқига ҳар томонлама кўрсатаётган ёрдамининг ортиб бораётганлиги, араб халқларининг Исроил ва унинг империалистик хомийларининг агрессив ҳаракатларига қарши ҳаққоний курашини қўллаб-қувватлаётганлиги буни исбот этувчи далилдир.

Осиё, Африка ва Латин Америкасининг халқларни империализм, аввало АҚШ империализми миллий озодлик ҳаракатининг асосий душмани бўлиб келганлигига ва шундай бўлиб қолажагига ўз тажрибаларида ишонч ҳосил қилдилар. Империализм миллий озодлик ва социал тараққиётга тўсқинлик қилиш учун уриниб, ҳар қандай жиноятлардан қайтмаётир. Аммо, империализмнинг халққа қарши қаратилган ана шу сиёсати муқаррар барбод этилади. Илгари эзилиб келган халқларнинг ғоят кўлчилиги қаттиқ кураш олиб бориб, мустамлакачилик режимларини ағдариб ташлади. Ўз мамлакатларининг чинакам юксалиши учун замин вужудга келтириб, сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш йўлига ўтиб олди.

Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг порлоқ келажаги сари қилаётган ҳаракатини тўхтатиб қола оладиган кучлар дунёда йўқ. Миллий озодлик ҳаракатининг жаҳон социализми кучлари билан ва халқаро ишчилар синфининг кураши билан мустаҳкамланиб бораётган бирлиги бунинг гаровидир.

Боку конференцияси қатнашчиларига ўз ишларида муваффақият қозонишларини тилаймиз. Конференция муҳим проблемаларни ишлаб чиқиш ва миллий озодлик ҳаракатининг амалий тажрибасини ўрганиш ишига ўз ҳиссасини қўшади, деб умид қиламиз.

Л. БРЕЖНЕВ,
КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ

Н. ПОДГОРНИЙ,
СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ

А. КОСИГИН.
СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ

1967 йил, 19 сентябрь.

БИЛДИРИШ

Тошкент область ижроия комитети область Совети депутатларига маълум қиладики, 1967 йил 22 сентябрь эрталаб соат 11 да Ўзбекистон КП область комитети мажлислар залида (Хоразм кўчаси, 51) меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг XI чақириқ III сессияси очилади.

Область Совети ижроия комитети III сессия кун тартибига қуйидаги масалани киритади:

«Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни бажаришнинг борнши ва областда жамоат чорвачилигини янада ривожлантириш юзасидан кўриладиган тадбирлар тўғрисида».

Докладчи область ижроия комитети раисининг ўринбосари Қ. А. Аҳмедов.

Область Совети чорвачилик бўйнча доимий комиссияси қўшимча доклад қилади.

ОКТЯБРЬ ДЕҲҚОНГА БАХТ БЕРДИ

Ўзбекистон партия ва ҳукумати йиғим-теримни жадаллаштириб, барча куч ва имкониятлардан фойдаланиш, ҳосилнинг ҳаммасини ғўнг-сочинга қолдирмай, оби-ҳавонинг қулай кунларида йиғиб-териб олиш ҳақида республикамиз меҳнаткашларига қарата Мурожаат қилдилар.

Мурожаатда таъкидланишича, республикамизда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳосил етиштирилди. Эндиликда тўрт миллион тонналик «оқ олтин»имиз далаларда. Деҳқоннинг йил бўйи қилган ҳалол меҳнати зое кетмади. Мажбурият-ни қоплайдиган миқдорда ҳосил етиштиришга муваффақ бўлинди.

Мамлакатимизнинг шонли 50 йиллик тўйига тайёргарлик кўриладётган шу дамларда эришилган ютуқларни эсга олиш, ҳозирги ҳаётимизга таққослаб кўриш анча ўринлидир.

Совет тузуми — қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартирди. Деҳқонларимизнинг маданиятини таниб бўлмас даражада оширди. Янги замон техникалари билан қуроллантирди. Бошқа совет қишлоқлари каби бизнинг қишлоғимиз ҳам революциядан кейин янада яшариб, навқирон бўлиб кетди. Бизнинг Яллама — нўхна қишлоқлардан бири ҳисобланади. Беш юз йиллик тарихга эга. Аҳоли узоқ вақтлардан бери деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келади. Октябрь социалистик революциясидан кейин тарқоқ қишлоқ аҳолиси бирлашиб, коллектив хўжаликлар ташкил қилди. Янги ерлар ўзлаштирилиб, Ленин номли, «Иккинчи беш йиллик», «Эмбек», «Эркин» каби номларга эга бўлган кичик хўжаликлар тузилди. Лекин шунга қарамай ўша вақтларда колхозлар кам қувват эди. Сув етишмасди. Ишлов қуроллари ҳам талабга жавоб бермасди.

Йиллар ўтди. Хўжалик аъзолари колхозларни йириклаштириб, мавжуд техникалардан кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Коллективни ҳалол меҳнатга даъват этишда, тупроқнинг унумдорлигини оширишда жуда кўпгина тажрибали деҳқонлар етишиб чиқди. Улар меҳнатни ташкил қилиш ишига бош-қош бўлишди. Ленин орденли марҳум Норқўзи Ҳолматов, Юсуффой Бойчаев каби ташкилотчи деҳқонларнинг номини биз асло эсдан чиқармаймиз. Улар коллектив хўжаликни мустаҳкамлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Улуғ Ватан урушидан кейин, 1948 йилда қишлоғимиздаги колхозлар йириклашди. Хўжаликка раҳбарлик қилиш бирмунча яхшиланди. Ортиқча ҳаражатлар камайтирилиб, далада моддий бойликлар яратаётган кишиларга ҳақ тўлаш кўпайтирилди. 1963 йилга келиб, қишлоғимиздаги етти колхоз бир коллектив хўжаликка бирлашди. Ундан кейин ишимиз яна ҳам юришиб кетди. Ҳозир бизнинг колхоз — катталиги ва маҳсулот етиштириш жиҳатидан районимиздаги хўжаликлар ичида иккинчи ўринни эгаллайди. Колхозимиз кўп тармоқли бўлиб қолди. Унинг кенг пахтазорлари, ғаллазорлари бор. Чорвачилиги ривожланган. Йилдан-йилга бойгор, узумзордар кўпайиб бормоқда. Агар биз ҳозирги колхозимизни бундан саккиз йил олдинги даражасига таққослаб кўрсак, 1959 йилга нисбатан 15 маротаба кўп ривожланганлиги яққол кўринади. Бизда эски меҳнат қуроллари қолмади. Унинг ўрнини янги техника эгаллади. Қишлоқ хўжалигимиз машиналашди. 25 та ҳайдов трактиримиз бор. 4 та бульдозер ва скрейпер, 50 та катор ораларида ишлайдиган тракторларга эгамиз.

Пахта териш машиналари анча кўпайди. 60 та «зангори кема»миз бор. Биргина шунинг ўзи канчадан-канча қўл кучини осонлаштириш имконини берди. Бу «пўлат от»ларимиз бир мавсумнинг ўзида 1500 колхозчининг ишини бажармоқда. Бу эса деҳончиликда энг оғир меҳнат ҳисобланган йиғим-теримни анча енгиллаштириш имконини берди. Аввалларн бизда терим январь ойигача чўзилиб кетарди. Эндичи? Аҳвол тамомила ўзгарди. Техниканинг шарофати билан пахта терими 15—20 октябргача тўла тамомланмоқда. Бу эса шудгор қилишни анча барвақт бажариб қўйишга саб баб бўлмоқда. Бундан ташқари бизда 22 та автомашина, 10 га кўрак териш машинаси, 10 та тўкилган пахтани териш машинаси, 20 та кўрак чувиш машинаси, 70 прицеп ва анчагина ғалла, пичан ўриш, емлашакни пресслаш машиналарига эгамиз. Колхоз территориясидаги кўл, ариқларга ўрнатилган 18 та «ПГ-35» маркали насоснинг ишидан ҳам биз беҳад ҳурсандмиз. Экинларни етарли миқдорда сув билан таъминлашда бу насослар катта роль ўйнамоқда.

— Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлиги туфайли деҳқонларимиз етарли миқдорда кучли техника билан таъминландилар. Йилдан-йилга тракторларимиз, деҳқончилик машиналари ва бошқа қишлоқ хўжалик асбоблари сотиб олиш кўпайиб бормоқда. Колхоз правлениеси партия ташкилоти билан биргаликда техниканинг тилини биладиган кадрлар тайёрлашга доимо эътибор беради. Кечаги колхозчи, сувчи бугун моҳир трактирчи, механик-ҳайдовчи, шофер, экскаваторчи бўлиб ишламоқда. Акбар Ҳидиров, Розиқ Муртозов, Шариф Пирназаров, Убайдулла Юсупов каби тинмай-тинчимас колхозчилар шулар жумласидандир. Улар ишни меёрига етказмай қўйишмайди. Билганларини ёшларга ўргатишади. Шундай қилиб, эндиликда деҳончиликда қилаётган ишларимизнинг 80 процентн техника ёрдамида амалга оширилмоқда.

Пахтакорларимизнинг моддий манфаатдорлигини ошириб, уларга ёрдам беришни кучайтирган сари хўжалик аъзолари сотиб олиш кўпайиб, 9—7 далали алмашлаб экишни тўла амалга оширишга ҳаракат қиляпмиз.

Деҳқончиликни ривожлантириш билан бир қаторда қишлоқларимизни ободонлаштириш ишлари ҳам тезкорлик билан амалга оширилмоқда. Қишлоғимиз Сирдарёнинг ёнбағирларига жойлашган. Пастқам, ғувалаклардан қилинган эски уйлар жуда кўп эди. Айниқса кейинги беш йил ичида бундай уйлар ўрнида янги, ҳашаматли турар-жой бинолари қуришни авж олдириб юбордик. Қисқа вақт ичида колхозчи хонадонларнинг ярмидан кўпроғи янги турар жой бинолари қуриб олишди. Уй-жой қурувчиларга колхоз томонидан яқиндан ёрдам берилаяпти. Қурилиш материаллари билан таъминланиб турилибди. Тор, қинғир-қийшиқ кўчалар ўрнида равон, тош ётқизилган, асфальт қилинган кенг кўчалар вужудга келтирилди.

Виз маданий-маиший ҳордиқ чиқариш жойларини борган сари кўпайтиряпмиз. Шу мақсадда 650 ўринли чоллар чойхонаси қурилиб фойдаланишга топширилди. Клуб, ҳаммом бинолари ҳам қуриб битказилди. Колхозчиларнинг болаларини билим олиб, ўқишлари учун барча қулайликлар мавжуд. 3 та саккиз йиллик, 1 та ўрта мактаб ишлаб турибди. 2500 бола мактабларга тортилган. Қишлоқдаги 6 та магазин ҳам харидорлар хизматида. Кўчаларимиз электр чироқлари билан ёритилган. Хонадонларга водопровод колонкалари ўрнатилган.

Бизда колхоз қурилишини мустаҳкамлаб, ҳосилдорликни оширишда ва техникадан моҳирлик билан фойдаланишда, ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган, эндиликда эса кексайиб қолиб пенсияга чиққан колхозчиларга ҳам ғамхўрлик қилишга алоҳида эътибор берилади. Уларнинг соғлиқларини мустаҳкамлаш учун барча чораларни кўрмоқдамиз. Шу билан бирга қарияларга йилига 180 минг сўмга яқин колхоз ҳисобидан ёрдам пули берилиб турибди.

Умуман биз далада ҳалол меҳнат қилиб, умумхалқ ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган кишиларни ҳурмат қиламиз ва уларнинг меҳнатларини қадрлаймиз. Шунинг учун ҳам колхозимизда иш кўнгилдагидек кетяпти. Ҳар бир звено ва участкада мўл ҳосил етиштириш юзасидан социалистик мусобақа кучайтирилган. Бу йил ҳам колхозчиларимиз барака меҳнат қилишди. Юбилей йили вахтасида туриб ишладик. 1650 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил етиштириб, давлатга 5500 тонна «оқ олтин» сотишга ваъда қилдилар. Ваъдага яраша ҳосил тўпланди. Уни тезроқ йиғиштириб олиш ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлигини яхши ҳис қиламиз.

Колхозчиларимиз бор имкониятлари ишга солиб, 15 октябрга қадар пахта тайёрлаш планини бажариш, 20 октябргача эса социалистик мажбуриятни адо этиш учун курашни кизитиб юбордилар. Биз терим машиналаридан унумли фойдаланамиз. Чевар теримчилар сонини кўпайтирамиз. Илғорлар тажрибасини оммалаштирамиз. Пахтачиликни ривожлантириб, чорва маҳсулотларини яна ҳам кўпайтириш билан мамлакатимизнинг юбилей тўйига муносиб тўҳфа билан кириб келамиз.

М. ПЎЛАТОВ.
Янгийўл районидаги Охунбоев номли колхознинг раиси.



Новосибирсклик электр пайвандчи В. Коронов янги Тошкентни бунёд этишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Кунлик топшириқларни мунтазам 130 — 140 процентдан адо этмоқда. Суратда: В. Коронов.
А. Турдев фотоси.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

СССР Ташқи ишлар министрлиги 18 сентябрда Буюк Британиянинг Москвадаги элчихонасига қуйидаги баёнотни берди:

«16 сентябрь соат 15 да Англия маъмурлари сохта важ (учиш графигини «аниқлаш» баҳонаси) билан аэрофлотнинг рейс самолётини Англия аэропортидан учирмай қўйдилар, сўнгра, қўпол жисмоний куч ишлатиб, шу самолётдаги совет граждани В. К. Ткаченконн ушлаб олиб кетдилар. В. К. Ткаченко саломатлиги ёмонлашганлиги сабабли ўзининг Англияга қилган илмий командировкасини тўхтатиб, хотини билан Москвага келаётган эди. Ткаченконинг рафиқасига ва Буюк Британиядаги СССР элчихонасининг бир қанча дипломатик ходимларига нисбатан ҳам зўравонлик қилинди.

Совет граждани Ткаченко номаълум томонга олиб кетилди ва у бетоб бўлишига қарамай, инглиз маъмурлари унинг хотини билан, СССР элчихонаси врачининг ва совет консуллиги ходимининг у билан кўришишига йўл қўймадилар.

Аэродромда матбуотнинг жуда кўп вакиллари ва полиция мансабдорлари ҳозир бўлганлиги бунинг аввалдан ташкил этилган ва мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларнинг ривожланишига путур етказиш мақсадида қилинган иғвогарлик эканлигини исботлаб турибди. Иғвогарликда қатнашган Англия маъмурларининг вакили аэродромда совет консуллигининг ходимига, мен «зарур бўлган тақдирда куч ишлатиб бўлса ҳам» Ткаченконн самолётдан тушириб олиш тўғрисида ички ишлар министрлигидан кўрсатма олганман, деб ошкора айтди. Скотланд ярд (разведка маҳкамаси) ходимлари «ҳар қандай вазиятда ҳам бу одам биз билан бирга қолади» деб таъкидлашди. Улар «сизлар нимани қилманг, қандай норозиликларни айтманг, барибир бу одамни Англиядан чиқаришмайди»,— деган гапни ҳам айтишди.

В. К. Ткаченко Англияда илмий командировкада бўлган вақтда Англиянинг махсус маҳкамалари унга нисбатан дўқ ва пўписа ишлатганлар, деб фараз қилиш учун асослн далиллар бор. Бу иш уни Англиянинг мазкур маҳкамалари билан ҳамкорлик қилишга ва юртига қайтиб келмасликка кўндиришга уриниш мақсадида қилинган. Ткаченконинг хотинини ҳам, Совет Иттифоқига қайтиб келмасликка кўндиришга уриниб кўрганлар. У, сурбетларча қилинган ана шу таклифни ғазаб билан рад этган.

18 сентябрда инглиз маъмурлари В. К. Ткаченконн чиқариб юборишди. СССР элчихонаси врачининг чиқарган хулосасига кўра, В. К. Ткаченко Англия полицияси қўлида бўлганидан кейин унинг саломатлиги кескин ёмонлашган.


СССР Ташқи ишлар министрлиги совет граждани В. К. Ткаченко ва унинг рафиқасига нисбатан, совет дипломатлари ва аэрофлот вакилларига нисбатан инглиз маъмурлари қилган зўровонлик ва бешошликка қарши кескин норозилик билдиради.

Англия маъмурлари ўзларининг ана шу ҳаракатларини оқлашга уриниб, кўрсатаётган сохта уйдирмаларини Совет ҳукумати қатъиян рад қилади. СССР Ташқи ишлар министрлиги Англия ҳукумати В. К. Ткаченконинг ва рафиқасининг Совет Иттифоқига дарҳол ва монеъсиз жўнашини таъминлайди, деб кутади.

СССР Ташқи ишлар министрлиги Буюк Британия ҳукумати томонидан бундан буён совет гражданларига ва совет ташкилотларига нисбатан бундай ўзбошимчалик ва бош-бошдоқликка йўл қўйилмаслиги хусусида зарур ваъдалар берилишини қаттиқ талаб қилади. Ўзўзидан равшанки, Англия томони чиқарган ва давлатлар ўртасидаги нормал муносабатларни давом эттириш принципларига зид бўлган иғвогарликдан келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар учун бутун масъулият Англия томонининг зиммасига тушади».

МАМЛАКАТЛАР ВА КИТЪАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР МАҚОЛАЛАР ВОҚЕАЛАР



Эрон пойтахти Теҳроннинг марказий кўчаларидан бири. Аджерпресс — ТАСС фотоси.

БАР ҲУКУМАТИДА

ҚОҲИРА, 18 сентябрь. (ТАСС). Кеча кечқурун Куба республикаси саройида Бирлашган Араб Республикаси министрлар кабинетининг мажлиси бўлди. Мажлис президент Носирнинг нутқи билан бошланди. Президент Носир Амирнинг ўзини-ўзи ўлдиришига олиб келган воқеаларнинг борши тўғрисида сўзлаб берди. Шундан кейин министрлар кабинети маршал Амирнинг ўзини-ўзи ўлдирганлиги тўғрисидаги иш юзасидан юстиция министрининг докладини тингланди. Министр текшириш натижалари тўғрисидаги тўла доклад бир неча кундан кейин тайёр бўлажагини айтди.

Ҳукумат аъзолари бир қанча муҳим сиёсий, иқтисодий, халқаро ва ҳарбий масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Мажлисда Бирлашган Араб Республикасининг Яқин Шарқ танглигидаги сиёсати муҳокама қилинди. Министрлар кабинети мамлакатнинг бу масалада келгусига мўлжалланган сиёсатини белгилаб берди.

ТАСС БАЁНОТИ

Матбуот хабарларига қараганда Америка давлатлари ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар ташқи ишлар министрларининг Венесуэланинг Куба Республикасига қарши шикоятларини кўриб чиқмоқ учун чақирилган XII маслаҳат кенгаши шу йил 22 сентябрда Вашингтонда очилади.

Шу муносабат билан АҚШда ва Латин Америкасининг баъзи мамлакатларида Кубага қарши кампания кейинги вақтларда анча кучайтирилмоқда. Ҳамма нарса шуни кўрсатиб турибдики, мазкур мамлакатларнинг агрессив доиралари Америка давлатлари ташкилоти ниқоби остида Кубага қарши янги интервол тайёрламоқдалар. Ғарбий Европанинг ва бошқа баъзи районларнинг бир қанча давлатлари ҳукуматларидан Куба билан дипломатик муносабатларни узишни, у билан қилинаётган савдо-сотиқни тўхтатишни талаб этмоқдалар. Кубани денгиздан ва осмондан блокада қилиш планлари тузилмоқда. Ҳаттё тўғридан-тўғри қуролли ҳужум қилишга даъват этувчи овозлар эшитилмоқда. Шу билан бирга АҚШ расмий доираларининг вакиллари ва Америка матбуоти АҚШ нинг Кубага ҳарбий бостириб киришга ҳаққи бор, деб кўрсатишга бемаъни урунишлар ҳам қилмоқдалар.

Кубага қарши бундан олдин қилинган кампанияларнинг ҳаммаси каби бу янги кампанияни ҳам Америка империалистик доиралари Кубанинг революцион халқига ўз мамлакатида социалистик жамият қуришига ҳалақит бериш ниятида ўтказаётганлиги очиқ кўриниб турибди. Куба революциясининг душманлари Кубанинг бу инқилобий харакатини куч ёрдами билан тўхтатиб қолишга интарн ҳам бир неча марта уриниб кўрган эдилар. Бироқ улар интервенцнячиларни Плайя—Хиронда тор-мор келтирилганлигидан ҳам, Кубага қарши ўзлари ўтказаётган сиёсатнинг илгари бир неча марта муваффақиятсизликка учраб барбод бўлганлигидан ҳам сабоқ чиқариб олмадилар.

Америка давлатлари ташкилотининг яқинда ўтказиладиган кенгашида Кубага қарши янги қарорлар қабул қилдирмоқчи бўлганларнинг ниятлари Куба республикасининг, Куба халқининг манфаатларига қарши қаратилган ниятларгина бўлиб қолаётгани йўқ. Бу ниятлар Латин Америкасидаги барча мамлакатларнинг миллий манфаатларига қарши қаратилган ниятлардир. АҚШнинг талабига биноан Америка давлатлари ташкилотида Кубага қарши қилинаётган ҳар бир ҳаракат айни вақтда Латин Америкаси мамлакатларининг мустақил миллий сиёсат ўтказиш имкониятларини чеклаб қўювчи ва уларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилишдаги эркинликларини бўғиб қўювчи, Латин Америкасининг табиий ва одам ресурсларини Америка монополиялари эксплуатация қилишини енгиллаштирувчи ҳаракат ҳам эканлигини тажриба аллақачон очиқ кўрсатди.

Кубага қарши қаратилган ҳозирги кампанияда ҳам Латин Америкаси мамлакатларида «Америкааро қуролли кучлар» тузишга розилик беришни талаб қилиб, шу мамлакатларга ўўр бериб тазйиқ қилинаётганлиги ҳам тасодифий эмас. Маълумки, бу «Америка аро қуролли кучлар» Латин Америкасида Вашингтон талаб қилган йўлдан бошқача сиёсат ўтказмоқчи бўлган ҳар қандай мамлакатга қарши қуролли репрессиялар ўтказиш қуроли бўлиб қолиши лозим. Дуруст, ҳозир «Америка аро қуролли кучлар» деб айтилмасдан, балки «ўзўзини мудофаа қилувчи кўнгилли кучлар» тузилади, «субрегионал ҳарбий пактлар» тузилади деб айтилаётган бўлса ҳам барибир бу нарса ишнинг моҳиятини ўзгартирмайди. Ҳамма нарса битта мақсадга, у ҳам бўлса, АҚШнинг Латин Америкасидаги сиёсатини белгилаб берувчилар ихтиёрига бериб қўйиладиган жандарма корпуси тузишга қаратилмоқда. Давлат департаменти яқинда расмий баёнот эълон қилди. Шу баёнотда айтилишича, Америка давлатларининг ташкилотига аъзо бўлган ҳамма давлатларнинг ички ишларига аралашишга АҚШнинг умуман қонуний ҳаққи бор эмиш.

Мана шу планларнинг ҳаммасини амалга ошириш ўз мамлакатлари учун қандай хатарли оқибатларга олиб келиши мумкин эканлигини яхши тушунаётган давлат, сиёсат ва жамоат арбоблари Латин Америкаси мамлакатларида бор. Латин Америкасидаги воқеаларнинг бундан буёнги ривожланиши шу арбоблар ўзларига қилинаётган тазйиққа қанчалик кескин қаршилик кўрсатишларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Кубага қарши ўтказаётган янги кампанияга келганда бу кампания барча совет кишиларининг қаттиқ газабини қўзғатмоқда ва уларда кескин норозилик туғдирмоқда. Ўзининг интернационал бурчига содиқ бўлиб қолаётган Совет Иттифоқи Куба Республикасининг ўз озодлиги ва мустақиллиги учун, Куба халқи танлаб олган йўлдан бориш ҳуқуқи учун олиб бораётган курашига ҳар томонлама ёрдам ва мадад бериб келди ва бундан буён ҳам бераверади.

ХИТОЙДАГИ ВОҚЕАЛАР

Мао Цзэ-дун группасининг расмий пропагандаси, ҳозир Хитойдаги «вазият яхши» бўлиб қолди, халқ «кенг равишда бирлашмоқда» деб жаҳон жамоатчилигини ишонтиришга урунмоқда. Яқинда «Жэньминь жибао» газетаси «кенг равишда бирлашиш» маданий революция»нинг тўхтовсиз оқимидир» деб ёзган эди. Маоцзэдунчилар, бизга қарши чиқаётганлар жуда оз миқдордаги бир ҳовуч мухолифларимиздан иборат, деган гапларни айтмоқдалар.

Бироқ чет эл мухбирларининг Хитойдан юбораётган маълумотлари, маҳаллий Хитой матбуоти ва радиосининг хабарлари Мао Цзэ-дуннинг мухолифлари ҳали асло таслим бўлмаганлигини кўрсатиб турибди. Бир қанча районларда Мао Цзэ дун группасига қилинаётган қаршилик, қонли тўқнашишлар тусини олмоқда.

Шарқи-Шимолий Хитойнинг йирик саноат маркази бўлган Харбиндан олинган хабарларда айтилишича, «маданий революция»дан норози бўлган деҳқонлар қуролланиб шаҳарга кириб келишган. Улар шаҳар радиостанциясини босиб олишга ҳаракат қилганлар. Икки ўртада бўлган қуролли тўқнашувлар натижасида 200 га яқин киши ўлдирилган.

Шаньдун вилоятида маоцзэдунчилар қўл остида бўлган радиостанциянинг хабарларига қараганда Мао Цзэ-дун группасининг мухолифлари шу вилоятда шу йилнинг бошида тузилган «революцион комитет» фаолиятига «путур етказишга» урунмоқдалар. Радио хабарларига қараганда Шаньдунда қуролли тўқнашувлар тўхтовсиз бўлиб турганлиги натижасида далалардаги ҳосил ҳалигача йиғиштириб олингани йўқ. Яқинда Шанҳай радиоси «армияда авж олаётган анархияни тўхтатишга» ва Хитой Халқ Республикаси тузилган кун 1 октябрга қадар Мао Цзэ-дун мухолифларини «тор-мор келтиришга» даъват қилди. «Маданий революция» бошланганидан бери Мао Дзэ-дун группасининг мухолифларига «узил-кесил зарба бериш» керак деган бундай даъватлар бир неча марта айтилди. Бироқ қураш давом этмоқда.

Чет эл мухбирларининг Хитойдан юборган хабарларига қараганда, Жанубий Хитойнинг энг катта шаҳри ва Гуандун вилоятининг маъмурий маркази бўлган Гуанчжоу шаҳри районида вазият ҳали ҳам кескин. 47-корпусларнинг ҳарбий қисмлари шаҳарга келтириб қўйилди. Гуанчжоу кўчаларида маоцзэдунчилар билан уларнинг мухолифлари ўртасида чинакам жанглар бўлиб турибди. Бу жангларда автомат қуроллар, гранаталар ва ҳатто енгил тўп-замбараклар ишлатилмоқда. Гуанчжоуни кесиб ўтган Чжуцзян дарёсида ҳарбий кемалар қўриқчилик қилмоқда. Шаҳарда ўт очадиган бетон истеҳкомлар қурилмоқда, броне билан қопланган юк автомобиллари изғиб юрибди.

Ҳозирги вақтда Гуанчжоу бир-бирига душман икки лагерга ажралган. Олинган хабарларда айтилишича, Гуандун вилоятида катта нуфузга эга бўлган «қизил ишчи отрядлари штаби» ташкилотининг аъзолари маоцзэдунчиларнинг асосан ёшлардан иборат қарийб юз минг кишилик ташкилотига қарши курош олиб бормоқда. «Штаб» ташкилоти саноати ишчиларини, темир йўлчиларни, порт ишчиларини ўз сафида бирлаштирган бўлиб, бу ташкилот аъзолари маоцзэдунчилар ташкилотидагига қараганда 5—6 баравар кўп. Ишчилар ташкилотининг аъзолари «маданий революция»га қадар давом этиб келган илгарига тартибларни ва илгариги раҳбарларни сақлаб қолишни талаб қилмоқдалар. Маълумки, Хитой Компартияси Гуандун вилоятининг собиқ биринчи секретари, Хитой Компартияси марказий-жанубий бюроси и и нг секретари, сўнгра эса «маданий революция» вақтида Хитой Компартияси Марказий Комитети Сиёсий Бюроси доимий комитетининг аъзоси қилиб тайинланган Тао Чжуга Мао Цзэ-дун группаси энди қаттиқ ҳужум қилмоқда.

Гуанчжоуга олиб борадиган темир йўл, шунингдек катта тепалик «штаб»нинг қўлида турибди. Шу тепаликка ўрнатилган тўплар ва пулеметлар «штаб»нинг аэродромни назорат қилиб туришига имкон беради. Ҳарбий қисмлар шаҳарда темир йўл товар станциясини ўз контрольиклари остига олдилар.

Яна хабарларда айтилишича маҳаллий гарнизон қўшинлари қурол-яроғларни бир-бирига душман бўлган тўдаларга ўзлари улашиб берганлар. Аммо, ишчилар энг янги қурол-яроғларни олганлар. «Қизил байроқ» ташкилоти аъзоларига эса, эскириб қолган қурол-яроғлар берилган.

Гуанчжоу аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашда жиддий қийинчиликлар туғилди. Сентябрдан бошлаб масалан, гўшт фақат талонлар бўйича берилмоқда. Шаҳар кўчаларида «ишчиларнинг қорни оч» деган плакатлар пайдо бўлди.

(ТАСС, 16 сентябрь).

Телетайп ЛЕНТАСИДАН

ВАРНА МУСОБАҚАЛАРИ

СОФИЯ, 18 сентябрь. (ТАСС). Болгариянинг Варна шаҳрида сузиш бўйича ўтказилган халқаро мусобақалар мезбонларининг Ўзбекистон спортчилари устидан қозонган ғалабаси билан тугалланди. Ўзбекистонликлар эркаклар орасида бўлган мусобақада 47:84 ва хотин-қизлар ўртасида 48:72 ҳисоби билан ютқаздилар.

Ўзбекистонлик сузувчилар 40 метрга комплекс сузишда яхши натижага эришдилар. Улар бу масофани 5 минут 20,3 секундда сузиб ўтдилар.

ВДР ОСМОНИДА УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ, 18 сентябрь. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги хабар беради: Вьетнам халқ армиясининг ракетчилари кеча эрталаб Ханой осмонида Америкаиинг бир самолётини уриб туширишди. Хоабинь вилоятидаги ўз-ўзини мудофаа жангчилари уриб туширилган самолётнинг учувчисини асир олдилар.

Америка авиацияси Хайфон портининг аҳоли зич яшайдиган районларига кеча ҳужум этилган вақтда Америкаиинг яна 3 самолёти уриб туширилди.

Агентликнинг хабар беришича, Вьетнам Демократик Республикаси территорияси устида Америкаиинг жами 2302 самолёти уриб туширилган.

ХИТОЙ ОСМОНИДА АМЕРИКАНИНГ БИР САМОЛЁТИ УРИБ ТУШИРИЛДИ

ПЕКИН, 18 сентябрь (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: Хитой Халқ Озодлик армиясининг авиация қисми 17 сентябрда Америкаиинг учувчиси бўлмаган разведка самолётини уриб туширди. Бу самолёт Гуанси районларидан бирининг осмонида Хитой Халқ Республикасининг ҳаво масофаларига бостириб кирган эди.

«БЬЮДА» БЎРОНИНИНГ ҚУРБОНЛАРИ

ПАРИЖ, 18 сентябрь. (ТАСС). «Бьюда» бўрони Карриб денгиз ҳавзасида ва Мексика қўлтиғида бир неча кундан бери тинмаётир. Бўрон Доминикана республика территориясидан ўтиб, Кубага тегди ва кеча Мексиканинг Юкатан ярим оролига бориб урди. Мерида шаҳрининг аҳолиси қутурган офатнинг дастлабки қурбонлари бўлди: бир неча киши ўлди, кўп кишилар яраДор бўлди.

Бўрон ярим оролдан соатига 120 километр тезликда ўтиб, йўлидаги нарсаларни вайрон қилиб кетди.


Солдат САҲИФАСИ

№ 17

ШОН-ШУҲРАТ ВОРИСЛАРИ

Ўтган уруш йилларида танк қисмлари ва бўлинмалари иштирок этмаган бирон бир жангни учратиш қийин. Ана шу танк қисмлари ва бўлинмалари кўпинча урушнинг ва умуман операциянинг муваффақиятини таъминладилар.

Ватан учун бўлган жангларда Туркистон ҳарбий округи қўшинлари, шу жумладан Тошкент танк билим юртини тамомлаган ёшлар ҳам актив иштирок этдилар. Ушбу саҳифада эълон қилинаётган мақолаларда душман билан бўлган қизғин олишувлар ҳақида, Совет Қуролли Кучлари танкчи кадрларининг энг кекса ўчоқларидан бири бўлган ана шу даргоҳ талабаларининг ҳозирги кундаги ҳаёти, ўқув кундаликлари ҳақида ҳикоя қилинади.



Жанговар машина парёдан понтонлар орқали ўтмоқда.

МАРДЛИК МАКТАБИ

Россия жаҳонда биринчи танкининг Ватани ҳисобланади. Бу танк 1915 йили А. А. Пороховщиков томонидан яратилган эди. 1918 йил февралида қурашлар оловида Совет Армияси тузилган бир пайтда у билан бирга РСФСРнинг зирҳли кучлари ҳам пайдо бўлди. 1920 йил 31 августга келиб биринчи совет танки гулдираб одимлади. Унинг ижодкорлари бу танкни «Озодлик учун курашчи ўртоқ Ленин» деб атаган эдилар.

Мамлакатимиз Армияси бинкинининг биринчи ўринбосари армия генерали Соколов, Москва ҳарбий округи қўшинларининг кўмондони армия генерали Белобородов, генераллар Боҳковский, Курцев, Хохлов каби таниқли ҳарбий бошлиқлар битириб чиққанлар.

Ўзбек халқининг фарзандлари танкчи офицерлар Мирсолиҳ Мираъзамов, Шавкат Умаров ва бошқалар гитлерчилар билан моҳирона жанг қилдилар. Тошкентлик комсомол аъзоси 80-ўрта мактабнинг собиқ ўқувчиси Вальдемар Шаландин билим юртимизни тамомлагач, Совет Ватани учун бўлган жангларда мисли сиз қаҳрамонлик кўрсатди. Курск яқинида бўлган бир жангда у олти фашист танкини яксон қилди. Битта жанговар машинасининг ўқи билан гитлерчиларнинг бутун бир бўлинмаси ҳужумини узоқ вақтгача тўхтатиб турди ва ўз жонини тикиб жангда ғалабага эришишимизни таъминлади. Лейтенант Вальдемар Шаландинга мардлиги ва маҳорати учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган. Унинг номи билим юртининг рўйхатига абадий ёзиб қўйилган.

Кадрларни тайёрлашда Ватан олдидаги хизматлари учун Совет ҳукумати 1943 йили билим юртини Ленин ордени билан мукофотлади.

Мураккаб халқаро вазият доимо ҳушёр бўлишни, юксак жанговар ҳолда тайёр туришни тақозо этади. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва жонажон ҳукуматимиз мамлакатимиз мудофаа қувватини мустаҳкамлаш учун тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Совет Қуролли Кучлари энг янги жанговар техника билан қайта қуролланганлар.

Танк қўшинлари ҳам сифат жиҳатдан ўзгарди. Бу қўшинлар янги жанговар машиналар билан қуролланган. Янги танклар ядро ва термоядро қуроллари ҳамда бошқа оммавий қирғин қуроллари қўлланган шароитда ҳам, сув остида ҳам эркин ҳаракат қила оладилар. Бундай мураккаб жанговар машиналарни фақат юқори малакали мутахассисларгина бошқара оладилар. Тошкент танкчилар билим юрти армияга ана шундай кадрларни етказиб бермоқда. Эндиликда билим юрти инженерлик билимига эга бўлган танкчи офицерлар тайёрламоқда.

Шу кунларда бизда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақа кизитиб юборилган. Шахсий состав шонли Октябрь юбилейини нишонлаш учун таъсис этилган Қизил байроқ билан тақдирланиш шарафига муяссар бўлиш учун курашмоқда.

Полковник В. ДЕМЧЕНКО,
Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони бронетанк қўшинлари маршали П. С. Рибалко номидаги Ленин орденли Тошкент олий танк командирлари билим юртининг бошлиги.

БИЛИМ ЮРТИДА

Ҳозирги кунда Тошкент танкчилар ҳарбий билим юртида 4 спорт мастери.

11 танкни бошқариш мастерлари,

69-—1-разрядли спортчи бор.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрликлари билан 35 курсант тақдирланган.

1967 йили 92 курсант КПСС сафига қабул қилинди.

Курсантлар 210 тонна темир-терсак тўпладилар, 4500 туп дарахт ниҳоллари ўтқаздилар.

Бадиий ҳаваскорлар коллективи кучи билан шаҳарда 25 та концерт қўйиб берилди.

Билим юрти 9 та мактабни оталикка олган.



Бу суратда аълочи танкчилар оддий солдат Василий Романов ва Анатолий Гречманларни кўриб турибсиз. Улар Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини жанговар ва сиёсий тайёргарликда катта ютуқлар билан кутиб олмоқдалар.

А. Асанов фотоси.

ЖАНГОВАР ДЎСТЛАР

Тун. Машиналар колоннаси теварак-атрофни ларзага солиб илгарилаб борянти. Олдиндаги машиналар ўнгга қараб бурилди. Абдуҳолиқов дарҳол вазиятни тўғри баҳолади: танклар ҳимоядаги турган душманга қанотдан зарба бериш учун айланиб ўтишяпти. «Ҳа, мана энди душманга омонлик бермаймиз», — деди танкчи ўзига ўзи. Сўнгра ўн борт фрикцион ричагини олдинга тортди. Нима гап? Сингган ричаг дастасини қўлида ушлаганича ҳангманг бўлиб қолди. Ҳужумга ўтиш керак. Мана, мана ҳозир команда берилади...

Машқ барбод бўлса-я, йўқ, бунга йўл қўймаслик керак. Экипажнинг ҳамма аъзолари ҳайрон. Нима қилиш керак? Пайвандлаш аппаратисиз бирор иш қилиш мушкул.

Олдинда бораётган машина тўхтади. Люкдан сержант Волобуев чиқди. Абдуҳамидга яқинроқ келиб, инки қўлини оғзига тутиб баланд овоз билан сўради:

— Нима гап?

А. Абдуҳолиқов унга сингган ричаг дастасини кўрсатди.

— Шунинг ўзими? Буни ўзинг ҳам тўғрилаб олсанг бўлади-ку, — деди биринчи класс мутахассиси. Қани бармоқ транини узатиб юборчи. Младший сержант транни узатди. Волобуев пўлат стерженни ричаг турган тешикка тиқди ва болға билан бир-икки урди. Сўнг стерженни узига тортди. Ишлаяпти. Ўзининг дастасидан қолишадиган жойи йўқ.

— Қалай, яхшими?

— Яхши бўлганда қандай! Раҳмат! Ҳижолатдан қутқардинг, деди А. Абдуҳолиқов дўстига миннатдорчилик билдирар экан.

— Ҳечқиси йўқ, солдатлик бурчим.

* * *

Танк ротаси машғулотдан қайтиб келарди. Олдинда унча чуқур бўлмаган ариқ чиқиб қолди. Теварак-атроф паст-баландлик. Чап томонда, сал нарироқдаги тепгек и с майса устидан ўтса бўлади. Сержант Волобуев танкни ана шу йўлга солди. Забардаст машинанинг темир занжирлари чуқурликка ботиб қолди. Зум ўтмай занжирли гилдиракларни сув босди. Двигатель бир-икки «пат-пат»лаб ўчди. Сержант қанчалик уринса ҳам машинани на орқага, на олдинга қўзғатиб бўларди. Экипаж аъзолари қандай қилиб қуруқликка чиқиб олишни маслаҳатлашаётган эди, кимдир орқадан қичқирди:

— Эй чўқаётганлар, тросни ушланглар. Экипаж аъзоларидан бири трос ҳалқасини танкнинг орқа томонига боғлади. Ҳайдовчи ўт олдирди. Қиргоқдаги машина аста орқага юрди, трос кириллаб кетди. Танк юмшоқ ўриндан қўзғалди.

Қиргоқда Волобуев кўмакка келган дўстини кўриб ҳайратда қолди. Бу А. Абдуҳолиқов бошлиқ экипаж аъзолари эди. Яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтарган Абдуҳамид ҳам, унинг жанговар дўсти Волобуев ҳам хурсанд эди.

Л. ФОЗИЛОВ.

СЎНМАС ОЛОВЛАР

Истеъфодаги полковник А. С. Батигининг танкчилар ҳаётидан ёзган «Сўнмас оловлар» китобини «Ёш гвардия» нашриёти ўзбек тилида нашр этди. Китобда автор ўзининг жанговар ҳаёти ва ўчмас қаҳрамонлиги билан юксак ватанпарварлик туйғуларини уйғотувчи ва халқни революцион ҳушёрликка чақирувчи кишиларнинг ёркин образини яратган.

Китоб қаҳрамонларининг кўпчилиги ҳозир ҳаёт, улар коммунизм қурилишида актив иштирок этмоқдалар, баъзилари эса ҳозир ҳам Совет Армияси сафида хизмат қилмоқдалар. Қуйида шу китобдан парча ўқийсиз.

Алексей Степанович Белоглазов жонажон билим юрти билан иккинчи марта 1936 йилда ўзи тактика бўйича старший ўқитувчи бўлиб ишлаётган Орёл танк билим юртидан (Горький билим юрти билан мусобақадош) бир группа ўртоқлари билан Горький билим юртига социалистик мусобақа шартларининг бажарилишини текширгани келганида учрашди. Орадан икки йил ўтгач, у яна шу ерга — ўз дўстлари ёнига келди. Энди у билим юрти бошлигининг ўринбосари вазифасида ишлашга келганди.

Гитлер Германияси бошлаган уруш Алексей Степановични ўз севган ишидан ажратди. У фронтга кетди, дивизияга командирлик қилди, кейин касаллиги сабабли, Урта Осиёга юборилди, госпиталда ётди. Касали ўзи ўйлаганидан кўра анча оғир эди. Унинг фронтга боришига рухсат бермадилар ва Урта Осиё ҳарбий округи (хозирги ТуркВО)да ишлаш учун қолди.

...Энди Белоглазов фронт учун ҳормай-толмай танкчи кадрлар тайёрлаётган билим юрти коллективига жанговар Қизил Байроқ топширгани боряпти. Алексей Степанович байроқ топшириш учрашувини шунчаки ўтказмай, ёшларга қандайдир алоҳида ҳаяжонли сўзлар айтишни ўйларди. Лекин, бу жуда оддий, ҳаяжонли учрашув бўлди.

Байроқни ким олиб келганини билган курсантлар ўзларининг катта ўртоқлари, оташин бошлиқлари шарафига кувончли учрашув ташкил этдилар. Байроқ топшириш белгиланган жойда иш гулдурос олқишлардан бошланди. Кейин шахсий состав билан дўстона суҳбат ўтказилди. Белоглазовни Нижний Новгородда билим юрти ташкил қилингандан кейин дастлабки кунларда курсантларнинг ўқиши ва ҳаётлари қандай бўлганлиги, биринчи кунлардаги шароит, биринчи ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг кимлар бўлганлиги ҳақидаги саволларга кўмиб ташлашди. Алексей Степанович барча саволларга бажонидил жавоб берди.

Белоглазовни ўқиш йилларини, шу жумладан немис фашист босқинчиларга қарши жангларда қатнашган, танк билим юртига ўқишга юборилган, ёш, ғайратли ўзбек йигитлари Мирсолиҳ Мираъзамов ва Шавкат Умаровлар билан таништиришди.

Мирсолиҳ армияда хизмат қилишни урушдан олдин бошлаганди. У ҳарбий комиссариатда ўзини танк қўшинлари составига юборишларини қатъий илтимос қилди. Талаби қондирилди ва тошкентлик ёш йигит узоқ чегарага совет халқининг тинч меҳнатини қўриклашга кетди. Мирсолиҳ хизматни муваффақиятли адо эта бошлади. Тезда Мирсолиҳга танкка командирлик қилишни ишонч топширдилар.

22 июнь тонготарида танкчилар жанговар тревога овозидан уйғониб кетишди. Қисм командири сафда турган жангчиларга жиддий қиёфада боқиб, фашист Германияси Совет Иттифоқи билан тинчлик ҳақидаги шартномани бузиб, мамлакатимизга хиёнаткорона бостириб кирганини эълон қилди.

— Бизнинг Ватан ва халқ олдидаги шарафли бурчимиз,— деди командир,— жонажон еримизга бостириб кирган душманни тўхтатиш ва қириб ташлашдан иборат.

Ўзбек халқи фарзанди ва унинг содиқ дўстлари учун жанговар курашлар аёмни бошланди. Урушнинг биринчи соатлариданоқ танкчиларимиз гитлерчиларнинг жонли куч ва техникасига оғир талафот етказиб, кескин жангларга киришдилар. Лекин душман охиргача қўққисдан ҳужум қилиш тактикасидан фойдаланди. Дастлабки пайтларда қисмларимиз душманнинг тўла сафарбар қилинган, сон жиҳатдан устун бўлган қўшинлари қисувига бардош беришга анча қийналдилар. Совет жангчилари матонат ва қаҳрамонликнинг ажойиб намуналарини кўрсатсалар-да, чекинишга тўғри келди.

Мирсолиҳ Мираъзамов иштирок этган жангларнинг саноғига етиб бўлмайди. У Калач шаҳри учун олишди, жонажон Сталинград учун кўксини қалқон қилди. Ҳамма жойда ҳам мардлик ва жасурлик, юксак жанговар маҳорат, Ватан қуроли қудратидан оқилона фойдаланиш намуналарини кўрсатди.

Кўмондонлик бу танк командирининг аъло ҳаракатларини, унинг ташаббус ва ижодкорлигини неча марта қайд қилди. Комсомоллар ҳам ўз ўртоқларига нисбатан ишонч ва ҳурмат билан ёндошишди. Рота комсомол ташкилоти секретарини сайлаш лозим бўлганда, Мираъзамовнинг номи биринчи бўлиб тилга олинди.

Бир кун уни қисм командири ўз ҳузурига чақирди:

— Ўқишни хоҳлайсизми?— сўради у Мирсолиҳдан. У аввал гап нима тўғрисида боратганини тушуна олмади, кейин қандай ўқиш ҳақида фикр юритилаётгани билан қизикди.

— Сизни офицерликка ўқитиш учун билим юртига юбормоқчимиз.

— Ҳозир уруш вақти-ку,— деди Мирсолиҳ.

— Фашистларни яна ҳам қаттиқроқ уриш учун ўқишга борасиз. Офицер бўлиб қайтасиз.

Мирсолиҳ қадрдон Тошкентга, танк билим юртига ўқишга келди. Кечаги фронтовикнинг қандай муҳаббат билан ўқиганн, командирлик малакасини қандай қунт билан оширгани ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. У, албатта, немис фашизмидек ёвуз душманга қарши курашиш учун чуқур ҳарбий билим жуда ҳам зарурлигини, билим юртида ўрганганларининг ҳаммаси ғоят муҳимлигини фронт кўрмаган ўртоқларига нисбатан яхшироқ биларди.

Мирсолиҳнинг командири ҳам фронтларда жанг қилган гвардиячи старший лейтенант Йўлдошев эди. У ўз шогирдларини урушда энг зарур бўлган нарсаларни билиб олишга ўргатди, курсантлардан жанговар техникани беш панжадек билишни, жангнинг ҳамма турларида чаққон, қатъий бир қарорга келиб ҳаракат қилишни талаб қилди. Гвардиячи командир ҳужум қилишдаги ҳаракатларга алоҳида эътибор берди.

— Танкчилар — ғалаба ҳушхабарчилари,— неча марталаб таъкидлади Йўлдошев.— Армиямиз олдида ҳали Берлингача бўлган узоқ ва оғир йўл турибди. Бизлар олдинда бориб пиёда аскарлар учун йўл очиб бермасак, ким йўл очади? Демак, танкка қарши ҳар қандай тўсиқдан ўта олишимиз, сув истеҳкомларидан кечиб ўтиш, тунда ҳужум қилиш, очиқ дала ва ўрмон, ботқоқлик жойларда, аҳоли яшайдиган пункт ва тоғларда ҳам моҳирлик билан ҳаракат қилишни билишимиз лозим.

Жангнинг ҳар бир турини амалий жиҳатдан то майда-чуйдасигача ишлаб чиқилди. Мираъзамов ҳам ўзини фронтда ҳақиқий офицер сифатида кутаётганликларини унутмай, ҳаммага намуна бўлди, кунт билан малака ва билим орттирди. У ўзи эгаллаган билимни ўзидан паст ўзлаштирувчи ўртоқларига, айниқса ўз элати Эрматовга ўргатди. Улар танк взводларининг командири бўлишдек масъулиятли ролни ҳис қилиб тайёрланишар, дарсларни ҳамкорликда мутолаа қилишар, бир экипажда биргаликда машқ ўтказишарди.

...Белоглазов Мирсолиҳ Мираъзамовдан унинг фронтда қилган ишлари ва билим юртида қандай ўқиётгани ҳақида муфассал сўраб билиб олди. Суҳбатининг охирида унинг қўлини қаттиқ қисиб шундай деди:

— Офарин, ўртоқ Мираъзамов, сиз танк қўшинларининг ҳақиқий офицери бўласиз.

Мирсолиҳ билим юртини имтиёзли диплом билан битиргач, яна фронтга қайтиб келди. Ғалабадан сўнг танк взводининг командири Мираъзамов ўз хизматини оккупациячи қўшинлар сафида муваффақиятли давом эттирди.

Ўлимдан ҳам қўрқмай, ўзининг Ватан олдидаги бурчини ҳалол бажарган жасур танкчи яна тинч меҳнат бағрига қайтиб келди. Ҳаракатдаги армияда ўтказилган ҳаёт мактаби унинг коммунизм қурувчиларининг олдинги сафларида бўлишига кўмаклашди.

Мираъзамовни Тошкент шаҳар Киров район комсомол комитетининг секретари қилиб сайлашди. Жуда кўп куч ва ғайрат талаб қилувчи жонли ва оператив комсомол иши Мираъзамовга бундан кейин ҳам сиёсий ва умумий маълумотини оширишга ҳалал бермади. У олий партия мактабини битирди ва янги вазифага—Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пропаганда бўлимига инструктор қилиб ишга олинди.

Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашган Қизил гвардиячининг ўғли Шавкат Умаров 18 ёшида кўнгилли бўлиб фронтга кетди.

У мактабда ўқиб юрган вақтларидаёқ ёш разведкачилар тўгарагига қатнашарди, бу дадил ва хавфли ҳунарга бўлган иштиёқ унда ўша маҳалдаёқ туғилганди. Шунинг учун ҳам, унинг фронтда разведкачи бўлгани бежиз эмас.

Биринчи жанговар сабоқни Шавкат 1941 йилнинг охирларида олди. У душманнинг орқа томонига ўтиб фашистларнинг йирик ўқдори омборига яқинлашди ва уни портлатиб юборди. Шавкат ўзининг дадил, қўрқмай қилган жасоратлари билан ҳужумга ўтган кўшинларимизнинг йирик ғалабасини таъминлади.

Гвардиячи йигит кўп марта ўлим билан юзма-юз келди, лекин разведкачилик хизматини ташламади.

Ярадор қилишса, госпиталда даволанарди-да, яна ўз қисмига разведкачилик хизматига қайтиб келаверарди. Яна у бир қўлида граната ва бир қўлида пистолет билан воронкадан-воронкага ўрмалади. Хали у тил тутиб келишга, хали кўприкни портлатишга, душманнинг ўт очиш нуқталарини билиб келишга борарди ёки душманнинг орқа томонида яна бир муҳим топшириқни адо этишга отланарди.

Алоҳида топшириқларни бажаришда мардлик ва жасорат кўрсатганлиги учун Шавкат уч марта Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди. Жангларда ўзини кўрсатган Шавкат Умаровни 1944 йилда Тошкент танк билим юртига ўқишга юборишди. Худди жангга гидек ўқишда ҳам фақат биринчи сафларда борди. У аъло ўқиди, билим юртини биринчи разряд билан битириб, лейтенант унвонини олди.

Гвардиячи Шавкат ўзининг фронтда орттирган тажриба ва олган билимларини қўшиндаги ўз шогирдларига моҳирлик билан ўргатди.

Ҳозир у майор, қисмда олий даражали офицер ҳисобланади. Кўксида саккизта орден ва медаль ярқираб турибди.

А. БАТИГИН.

ЧИНИҚИШ

Капитан Великов взводи саф тортди. Командир курсантларнинг жанговар машғулотга қандай тайёргарлик кўрганлигини яна бир бор текшириб кўрди. Сўнгра рўпарадаги ўқув корпуси томон қараб юришди. Курсантлар чаққонлик билан гимнастёркаларини ечиб, оқ халат кийиб олишди.

Химия бўйича лаборатория машғулотлари бошланди. Ўқитувчи Лидия Павловна Гриценко ўтилган тема қанчалик ўзлаштирганлигини билиб олиш мақсадида уч-тўрт йигитдан сўради. Курсант А. Панков барча саволларга аниқ-пухта жавоб қайтарди. Ўқитувчининг жавобдан кўнгли тўлди ва аъло баҳо қўйди. А. Панков билим юртининг энг яхши ўқувчиларидан, жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиси, М. В. Фрунзе номли стипендия лауреати.

...Бостирмадан машиналар ҳаммаёқни ларзага солиб, ялангликка чиқди. Курсант Самигжонов бироз ҳаяжонланяпти. Унинг навбати яқинлашмоқда. Таннни ҳайдаш бўйича мураккаб машқни бажаришдек вазифа турибди. У аниқ инструктаж олгач, механик-ҳайдовчи люкига тушди. Приборларни ишлатиб текшириб кўргач, оҳиста ричаг дастасини ушлади, педални босди. Қудратли машина шердай ҳайқириб танкодромдан аста қўзғолди.

Курсант тўсиқлардан муваффақиятли ўтиб, тог ёнбагирлаб борди. Тезликни пасайтирмай танкни тор йўлдан баландликка олиб чиқди.

Ҳаммаёғи чанг билан қопланган машина белгиланган жойга келиб тўхтади. Механик-ҳайдовчи люкни аста кўтариб, сакраб ерга тушди. Дўстлар уни қуршаб олди.

Ўқитувчи эълон қилди:

— Курсант Самигжонов машқни аъло баҳога бажарди.

Курсантлардан Протасов ва Ўринбоевлар ҳам аъло баҳо олишди.

...Танкни танёргарлик ўқитувчиси жанговар топшириқ берди: тани взводи «душман»ни қандай қилиб бўлса ҳам тор-мор келтириши керак. Курсант Ботиров взвод командири қилиб тайинланди. У топширилган вазифани синчковлик билан яна бир бор аниқлаб олди, теварак-атрофга кўз югуртириб чиқди. Сўнг нима қилиш ҳақида қатъий қарорга келди.

Взвод натта чуқурликда яқинлашиб яширинib олди. Ботиров командаси буйича танклар шоссе йўлининг икки томонига қулай ўрнашиб олишди. Ярим кечада мотор овози эшитилди. Узоқдан ҳира нур тоҳ ёниб, тоҳ учарди. Моторнинг овози тобора равшанроқ эшитиларди. Танклар жанговар ҳолатга келтирилди. Улар яқинлашиб келаётган «душман» машинасини ўққа тутишга шай эдилар. Ботировнинг «Отманг, ўтказиб юборинг» деган командаси эшитилди. У шундай команда беришга ўзида ҳақи ҳам эди. Асосий колонна олдида дозор машинаси келарди. Агар бу машинага қараб ўт очилса, орқада келаётган «душман» ҳужум қилиши мумкин эди. «Душман» дозори ҳеч нарсани пайқамай ўтиб кетди. «Душман»нинг асосий кучи белгиланган жойга келганда командирнинг «Огонь» деган командаси эшитилди. «Душман» колоннаси саросимада қолди ва кўп ўтмай «тор-мор» келтирилди.

Биз билим юртидаги айрим машғулотлар ҳақида қисқатина ҳикоя қилдик. Танкчилар билим юртида бундай аълочи ўқувчилар жуда кўп. Улар қудратли техникамизни мукаммал ўзлаштириб олиш билан бирга, Ватан олдидаги бурчларини шараф билан ўтамоқдалар.

М. ШТЕЙНБЕРГ,
майор.



УМИД ҒУНЧАСИ

Бўй-бўй, қора кўз.
Бўй-бўй, ширин сўз...

Саҳнада лўппи, нақш олмадек таранг, напармон юзли, оҳу кўзли қиз ялланинг маромига шўх, қушдай енгил йўрғалай кетганида барчани ўзига маҳлиё қилди. Ўтирганлар раққосанинг серишва, жозибадор ҳаракатига мафтун. Нигоҳлар ўйинчида-ю, бироқ елкалар раққоса билан бирга силкиниб қўярди, беихтиёр.

Дарҳақиқат, Анорхон Отажонова ҳозирма «Лазги»га тушса борми, завқ-шавққа тўлмайдиган одам қолмайди. Томошабинларда ёқимли ҳис уйғонади.

Анорхон санъатга болалик чоғлариданоқ ихлос қўйди. У беш яшарлигидаёқ, тошларни осмонга отиб-отиб, қайроқ ўйинини машқ қиларди. Мурғак қалби кун сайин туғён урарди. Башарти қулоғига куй чалингудек бўлса, дарров ўйинга тушиб кетарди. Тенгдошларининг даврази ҳам Анорхонсиз ўтмас, у ўзининг шўх ўйинлари билан дилларни яйратарди.

Бундай туғма талант эгасини кўрган Хоразм театрининг таниқли артисткаси Робияхон опа қизга бефарқ қарай олмади. Анорхон энди малакали раҳбар қўлида тарбия топа бошлади. Рақс сирларини эринмай, меҳр билан ўрганди.

У 12 ёшидаёқ театр саҳнасига чиқабошлади. Театрда ўйналадиган «Ҳўжа Насриддин» драмасидаги Пари ролини, «Ўзликдан кечирмайди»даги бош роллардан бири — Гулчеҳрани, «Зафар ва Зарина»даги комсомол қиз ролини мароқ билан ижро этиб, томошабинларнинг олқишига сазовор бўла бошлади.

Анорхон ўзини санъат даргоҳига етаклаган ва ёрдамини аямаган устозининг номини ҳурмат билан тилга оларкан:

— Мени шу даражага кўтарган, кишиларга танитган меҳри оташ Робия опа Отажоновадан минғдан-минг миннатдорман,— дейди.

Хоразмнинг машҳур ўйинчиси Гулчеҳра Исмоилова, Гулхоним Бобожонова, Раънохон Анназарова ва Дилором Сафаева каби дугоналарининг ҳам унга бўлган меҳрибончиликларини алоҳида таъкидлайди, ёш санъаткор.

Анорхон фақат ўзининг жозибали ўйини билангина эмас, балки қўнғироқдек ҳуш овози билан ҳам томошабинларнинг қалбидан жой олмоқда. У юбилей олдидан Самарқанд, Каттақўрғон, Қарши ва Мирзачўлни ўзлаштираётган комсомол-ёшлар ҳузурига бориб, ўз ўйинашула, лапарлари билан қўриқ очаётганлар дилини хушнуд этиб келди.

Анорхон ҳозирча Урганчдаги Куйбишев номли мактабнинг 10-синфида ўқийди. У ўз истаклари йўлида билимини оширмоқчи. Бўлажак раққоса мактабни тугаллаб, албатта Тошкентдаги Театр ва рассомчилик институтига ўқишга киришмоқчи.

Анорхон ҳозирданоқ кўпгина дилларни яйратган экан, келажакда биз унинг ҳақиқий санъаткор бўлиб етишишига ишонамиз. Истеъдодли раққоса орзу-умидларининг ушалишига тилакдошмиз.

Оқ йўл, Анорхон!

Фарида УСМОНОВА,
ТошДУ студенти.

ЮБИЛЕЙ АРМУҒОНЛАРИ

Ўзбек халқининг улуғ мутафаккир шоири Алишер Навоий туғилган кунининг 525 йиллик юбилейи маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлади. Ҳозир бу кунга жойларда катта ҳозирлик кўрилмоқда. Шоирни санага тайёргарликнинг бориши хусусида яқинда мухбиримиз Алишер Навоий юбилейини ўтказувчи республика комиссиясининг аъзоси, таниқли навоийшунос олим Ҳамид Сулаймонов билан суҳбатлашди.

— Ўзбекистон ёзувчилари союзи Президиумининг навбатдаги йиғилишида буюк гуманист шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг бўлажак юбилейини ўтказиш бўйича батафсил гаплашиб олдинди,— деди олим Ҳ. Сулаймонов.—Шоир А. Навоийнинг ижодиёти ва адабий мероси ўзбек халқигагина эмас, айни вақтда қардош халқлар учун ҳам бой маданий ҳазинага айланган. Шунинг учун ҳам шоир юбилейи мамлакатимизда, жумладан чет элларда ҳам кенг нишонланади. Бу улуғ юбилейни келгуси йилнинг май ойида ўтказилади.

— Юбилей муносабати билан нашр этиладиган китоблар ҳақида бир-икки оғиз гапириб берсангиз.

— Тўйга тўёна билан бориш азалий одатимиз. Бу шоили юбилейга ҳам катта ижодий совғалар ҳозирланади. Ғафур Ғулом номидаги, «Фан» ва «Ёш гвардия» нашриётлари ҳам бу кунга пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Навоий асарларининг 15 томлиги босилиб чиқади. Дастлабки томлар ҳозирнинг ўзида ўқувчилар қўлига бориб етди.

Илмий йўсинда тайёрланган асарлар ҳам анчагина. Бунда А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти коллективи баракали ижодий иш олиб бормоқда. Адабиётшунос олимлар шоир асарларини нашрга тайёрлаш билан бирга А. Навоий бой ижодиётига оид қатор илмий мақолалар ёздилар. Навоийшунос олимлардан В. Зоҳидов, О. Шарафиддинов, М. Шайхзода, А. Ҳайитметов ва С. Ғаниевалар бой ижодий меросни чуқур тадқиқ этдилар. Улар алоҳида илмий монография ҳолида нашр этилади. Юбилей олдидан шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар берувчи справочник босиб чиқариш ҳам кўзда тутилди.

Шу нарсани ғоят мамнуният билан айтиш даркорки, қардош республикаларда ҳам шоир юбилейига қизғин тараддуд кўрилмоқда. Атоқли совет ёзувчиси Н. Тихонов раҳбарлигидаги ташкилий юбилей комитети бу соҳада ибратли ишларни амалга оширди. Москвадаги нашриётлар Навоий асарларини кўп томлик қилиб босиб чиқаришга киришдилар.

А. НАВОИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 525 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

— Чет элларда бу санага қандай тараддуд кўрилмоқда?

— Маълумки, ўзбек навоийшунос олимларидан бир группаси Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрида бўлиб, шоир ҳаётига оид янги материаллар билан таништилар. Ўшанда Кобул шаҳрида улуғ зот ҳаёти ва ижодига доир қимматли китоб нашр этилаётганлигидан воқиф бўлган эдик. Ўша китоб яқинда босилиб чиқди. «Анжумане торих» нашриёти маҳсулоти бўлган «Амир Алишер Навоий «Фоний» китоби» шоир мухлисларини беҳад мамнун этди.

Китоб мазмунли мундарижага эга. Ундаги мақолаларда шоир яшаган замона ҳақида, А. Навоий фаолияти тўғрисида қимматли фикрлар баён этилган. Библиографик кўрсаткичлар ҳам берилганки, уларда турли тиллардаги 190 манба келтирилади. Жумладан, ўзбек навоийшунос олимларидан О. Шарафиддинов, И. Султонов, С. Ғаниева ва бошқа ўртоқларнинг тадқиқотлари зикр этилган.

Яқинда яна бир хушхабар олдик. Австриядаги «Глобус» нашриёти буюк қалам соҳибининг бир неча китобини китобхонларга тақдим этади.

Бундан ташқари чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти йўли билан қатор тадбирлар белгиланди. Чет эл матбуотида ёритиш учун «Буюк гуманист» деган мақола ва А. Навоий сурати юборилди.

Шоир афоризмлари, рубойилари инглиз, француз, немис, араб, ҳинд ва бошқа тилларга таржима қилишга киришилди.

— Алишер Навоийга ёдгорлик ҳайкали ўрнатиш борасида қандай ишлар олиб борилмоқда?

— Яқинда Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги Самарқандннинг 2500 йиллигига бағишланган ёдгорлик ҳамда олим-астроном Улуғбек ва шоир Алишер Навоий ёдгорлик ҳайкаллари лойиҳалари учун Бутуниттифоқ конкурси эълон қилди. Ҳар бир лойиҳа бўйича учта мукофот белгиланди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Алишер Навоийнинг ҳақиқий портретини яратиш ҳам юбилейни ўтказиш комиссияси диққат-эътиборида турибди. Шу мақсадда шоир портрети учун рассомлар ўртасида Бутуниттифоқ конкурси ўтказилади. Ҳозир атоқли совет ҳайкалтароши М. Герасимов Алишер Навоийнинг барельефини яратиш билан банд. Она-Ватанимизнинг пойтахти Москвадаги катта роспектлардан бири улуғ мутафаккир номи билан юритилади.

Республикамизда эса Навоий юбилейи билан боғлиқ эсдалик нишонларини тайёрлаш кўзда тутилди. «Фарҳод ва Ширин» номли экран асари ўзбек кинематографиясининг шоир юбилейига ижодий армуғони бўлади.

ТАШАББУСКОР ДРУЖИНАЧИЛАР

Яқинда дружина аъзолари йиғилишиб, нима сабабдан комбинат атрофида маст ҳолда юрадиган кишилар ўралашиб қолди, деган масалани ўртага қўйишди.

Ана шу йиғилишда бу ҳақда ҳар ким турлича фикр билдирди. Шунда дружина командири Э. А. Морозов ишдан кейин комбинатнинг ялғов ишчиларидан 100 кишини жалб қилиб, дружина аъзолари билан биргаликда рейд ўтказсак, деган таклифни қўйди. Бу таклифни комбинат маъмурияти, партия ташкилоти ҳам қўллаб-қувватлаб, ишлаб чиқариш планларини оширибгина қолмай, бажараётган ёшлардан 100 кишини ажратиб беришди.

Рейдни ўтказишда Ленин район милиция бўлимининг тажрибали ходимлари яқиндан ёрдам беришди. Рейд вақтида дружина аъзолари дан А. Ермаков, А. Кочубей, Г. Гримчук ва Я. Лутфлар Қорасув сельпосига қарашли Махсума Умарова мудирлик қилаётган 35-магазин қоровулининг қинғир ишларини фош қилишди.

Қоровул А. Отахонов хотини Фотима Отахонова билан бирга кечалари ўзлари қўйган баҳо билан ароқ пуллашар экан.

Бундан ташқари ҳеч қаерда ишламай меҳнаткашларни алдаб пулини олиб юрган Григорий Семенович Макаров деган шахс ҳам қўлга туширилди. Унинг вақтинча яшаб турган квартираси текширилганда эгри йўл билан тўпланган 16 минг сўм пули топилди. Бу жиноятчилар иши яқин кунларда халқ судида кўриб чиқилади.

Қўйлиқдаги 1-уйсозлик комбинати ҳузурида тузилган 30 кишидан иборат халқ дружиначилари фақатгина комбинат ичида эмас, унинг атрофидаги территорияларда ҳам осойишталик бўлиши учун намунали ишлашаяпти.

Яқинда комбинат маъмурияти, партия ташкилоти актив фаолият кўрсатаётганликлари учун халқ дружина штабининг бошлиғи Э. А. Морозов ва дружина аъзоларидан 10 кишини пул мукофотлари билан тақдирлади.

А. ТОЖИЕВ.

Тошкентда ҳар йили табиат байрамининг ўтказилиши анъанага айланиб қолган. Ўтган якшанба куни пойтахтимизнинг Максим Горький номидаги болалар маданият ва истироҳат боғида табиат севувчиларнинг навбатдаги байрами ўтказилди. Бу байрамга Тошкентдаги мактабларнинг жуда кўп ўқувчилари келишди. Суратда: кичкинтойлар боққа олиб келтирилган тўти қуш билан «суҳбатлашишяпти».



М. Миржалолов фотоси.

ФУТБОЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИДА ҚАТНАШИШ УЧУН

17 та мамлакат миллий футбол федерациялари—ГДР, Аргентина, Бельгия, Бразилия, Коста-Рика, Дания, Люксембург, Янги Зеландия, Норвегия, Уэльс, Перу, Португалия, Судан, Швеция, Швейцария, Туркия ва Уругвай ҳозироқ навбатдаги жаҳон чемпионатида (1970 йил 31 май—21 июнь) қатнашиш учун Халқаро футбол федерациясига заявка бериб қўйдилар. Заявкалар бериш муддати шу йилнинг 15 декабрида тугайди. 1968 йил январида саралаш ўйинларига қуръа ташланади. Чемпионатнинг саралаш ўйинлари 1968 йил биринчи апрелидан 1969 йилнинг 31 декабригача ўтказилади.

БИРИНЧИ МАҒЛУБИЯТ

Шотландиянинг «Селтик» командаси бугун Европа чемпионлари кубоги учун бўладиган мусобақада Киевнинг «Динамо» командасини қабул қилади. «Селтик» бу учрашув олдидан мамлакат биринчилиги мусобақасида «Глазго-Рейнжерс» командасига 0:1 ҳисобида ютқазиб қўйди. Бу Европа чемпионлари кубогининг эгаси—«Селтик»нинг шу йилги биринчи мағлубиятидир. Командининг бу муваффақиятсизлиги стадионга йиғилган томошабинларни ғазаблантириб юборди. Полиция ашаддий ишқибозлардан 40 кишини қамоққа олишга мажбур бўлди.

ФАРҚ ҚИСҚАРМАЯПТИ

«Б» классининг Ўрта Осиё зонасида мусобақалашаётган пешқадамлар—Навоий шаҳрининг «Зарафшон» ва Тошкент областининг «Свердловчи» командалари ўртасидаги очколар фарқи қисқармаяпти. «Зарафшон» кейинги турда Олмаота уйсозларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб 47 очко тўпладди. «Свердловчи» эса ўз майдонида «Вахш»ни 4:1 ҳисобида енгди. Ҳозир колхоз футболчилари 45 очко билан иккинчи ўринда турибдилар.

18 сентябрда бўлган турда областимизнинг икки вакили—«Оқ қўрғон» ва «Металлург» (Олмалиқ) ўзаро учрашдилар. Ҳисоб 1:1. Чирчиқнинг «Химик» командаси эса ҳамон мағлубиятга учрамоқда. Бу сафар кимёгарлар Жамбул шаҳрида «Восход»дан 0:2 ҳисобида енгилдилар.

«ОЛТИН БОШОҚ» МУКОФОТИ

СССР футбол федерациясининг фахрий совринлари сафига яна бир мукофот—«олтин бошоқ» кубоги қўшилди. Бу мукофот қишлоқ футболчилари ўртасидаги голиб командага берилади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари қишлоқ командаларининг зона мусобақаси Фрунзе шаҳрида ўтказилмоқда. Бу мусобақага Ўзбекистондан Андижон областининг Исбоскан районидаги 8 совхоз спортчилари қатнашаётирлар. Ўзбекистонликлар биринчи учрашувда муваффақиятсизликка учрадилар. Улар Қозоғистон командасига 2:4 ҳисобида ютқаздилар.

Мусобақалар давом этмоқда.

ЖАИРЗИНЬО ЎИНАМАИДИ

Сан-Паулодан нохуш хабар келди: Бразилиянинг машҳур футболчиси Жаир Маринхо (Жаирзиньо) автомобиль ҳалокатига йўлиқди. Юк машинасига урилиб кетган машинада ўтирган тўрт кишидан бири ўлди. уч киши оғир яралар бўлди. Жаирзиньо касалхонага келтирилиб, узоқ вақтгача оғир аҳволда ётди. Ҳозир унинг ҳаёти хавф остида эмас. Лекин врачларнинг фикрича, футболчи бир умрга ўйнай олмайди.

БИР КОЛХОЗДА

ЯНГИ ШИФОХОНА

Янгийўл районидаги «Октябрь очилди» колхози тобора гўзаллашиб ва обод бўлиб боряпти. Колхоз марказ ҳамсоли кичик бир шаҳарчани эслатади. Бу ерда куни кеча янги бир бино фойдаланишга топширилди. Касалхона учун мўлжалланган бу бино замонавий медицина ускуналари билан жиҳозланаяпти.

ҲАВАСКОРЛАР ТЎГАРАГИ


Колхозда бадиий ҳаваскорлар тўгараги ва бичиш-тикиш курси очилди. Ҳаваскор ҳонанда ва созандалар куй қўшиқ ва рақсни ўрганишса, бичиш-тикиш курси аъзолари турли кийим-кечак тикишни машқ қилишяпти.

Х. ТОШМАТОВ,
Б. САИДАЛИЕВ.

◆

Тошкентликлар яна бир туҳфа олдилар. Москвалик қурувчилар яқинда ҳамшаҳарларимизга 1960 ўринли янги мактаб биносини фойдаланишга топширдилар. Кўркам бинода акт зали, устахона, ошхона ва бошқа қулайликлар яратилган.

А. Палеҳов фотоси.



ҲАР ТЎҒРИДА

ОЛТИН СОАТЛИ БАЛИҚ

Снегирев ремонт-механика заводининг электр пайвандчиси Вячеслав Александров оиласида кутилмаган воқеа содир бўлди.

Вячеслав, унинг хотини Лариса ва қизи Галялар Херсонда дам олишар эди. Кунларнинг бирида Днепр бўйлаб қайиқда сайр қилишга отланишди. Вячеслав сувга қармоқ ташлаб балиқ овлаб ўтирарди. Кутилмаганда қизи бирдан қичқириб юборди. У тилла соатини сувга тушириб юборганди. Бу жой чуқур бўлгани учун соатни қидириш бефойда эди.

Ҳаммаларининг таъби хира бўлди. Ҳатто қармоққа илинган чўртон балиқ ҳам ҳеч кимни хурсанд қилмади. Александровлар хафа бўлиб уйларига қайтгач, балиқ шўрва пиширишмоқчи бўлишди. Чўртон балиқнинг ичак-чавағини тозалаётганда қайратда қолярли воқеа юз берди. Балиқ ошқозонидан Галянинг соати чиқди.

Гўё ҳеч нарса бўлмагандай соат чиқилларди. Бу воқеа ҳақида Украинада чиқадиган «Рабочая газета» хабар босиб чиқарди.

«ДОВЮРАК» СЕҲРГАР

Омсклик йигирма яшар Никита М. сеҳргар бўлишга жазм қилди. Бир неча шамширни ютиб юборибгина, томошабинларни қойил қолдирсанг, ўйлардик у. Никита ана шу орзу билан машқ қилишга киришди. Аввалига бир неча узун қуруқ макоронни ютди. Кейин эса ёш болалар ва қизларни ҳайратга солиб 13 та узун михни «еди». Бу катта муваффақият эди, бироқ артист тезда ўзини ёмон сезабошладди. Никита ярим йилдан ортиқ вақтгача ошқозон оғриғига бардош бериб юрди. Кейин эса касалхонанинг хирургия бўлимига келди. Хирурглар И. Васин ва Ю. Суворовлар «сеҳргар»нинг ошқозонидан барча михларни операция қилиб олиб ташлашди. Никита сеҳргарлик қилиб циркда ишлаш ниятидан воз кечди.

(«НЕДЕЛЯ»дан).

БОЛАЛАР ОМОН ҚОЛДИ *ҲОДИСА*

Пойтахтнинг Ясельная кўчасида аланга кўтарилди. Бурқсиб ёнаётган ўт зум ўтмай кучли алангага айланиб, қўшни уйларга ҳам ўтди. «Ташсельмаш» заводи ўт ўчириш командаси ва шаҳардан ўт ўчириш машинаси етиб келди.

Кўнгиллилар дарҳол ловуллаб ёнаётган болохонани ўчиришга киришди. Ўрта яшар бир аёл йиғлаб, уйни кўрсатар, аранг гапира оларди.

— Уйда, ўйда болаларим қолди. Қутқаринг...

Шофер Иброҳим Жаҳонгиров ёнаётган уй томон ўзини отди. Ичкарида ҳеч нарсани кўриб бўлмас, аланга ва тутун нафас олдирмасди. Унинг кетидан ўт ўчирувчи Абдулла Солиҳов ҳам отилди. Улар кўп ўтмай икки қизни қўтариб олиб чиқишди. Светлана ва Людмилани бағрига босган она халоскорларга яна илтижо қилди.

— Иринам қолди, энг кичкинаси, кичкинаси қолди...

Иброҳим Жаҳонгиров яна уйга кириб кетди. Бу сафар у бироз хаялаб қолди. Беш яшар Иринани кўтариб остонадан икки қадам ташлаган ҳам эдики, ёниб бўлган шип уйни босди.

И. Жаҳонгиров, А. Солиҳовларнинг жасорати туфайли болалар ҳаёти омон қолди. А. Балоусова ҳаласкорларга беҳад миннатдорчилик билдирди. «Ташсельмаш» заводи маъмурияти кўнгиллиларни мукофотлади.

Р. СОБИТОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.



1968 ЙИЛ УЧУН

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ҚИЛИШ БОШЛАНДИ

ОБУНА БАҲОСИ: бир йилга—5 сўм 28 тийин, олти ойга—2 сўм 64 тийин, уч ойга—1 сўм 32 тийин.

ГАЗЕТАГА «СОЮЗПЕЧАТЬ» БЎЛИМЛАРИДА, ОБУНА ҚИЛИШ ПУНКТЛАРИДА, ИШ ВА УҚИШ ЖОЙЛАРИДА ЁЗИЛИШ МУМКИН.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55—**Эшиттиришлар программаси.** 18.00—**Телеянгиликлар.** 18.20—**Қизил галстук** (тележурнал). 19.00—**Концерт.**

Рус тилида: 19.40—**Телеянгиликлар.** 19.50—**Майор Вихрь** (телевизион бадиий фильмнинг биринчи серияси).

МОСКВА КЎРСАТАДИ

21.00—**Телеянгиликлар.** 21.20—**Москвада РСФСР ҳафталигининг очилиши.** 21.40—**Инсон ва қонун** (телевизион фильм). 22.00—**Интервиденне. Европа биринчилиги кубоги учун. «Торпедо» (М)—«Мотор»** (ГДР). 23.50—Интервиденне. **Москва—Варшава ўртасидаги пеленгчика.** 00.30—**Фақат эркаклар учун** (музикали эшиттириш). 00.55—Интервиденне. **Европа чемпионлари кубоги учун. «Селтик»** (Глазго)—**«Динамо»** (Киев). Англиядан олиб кўрсатилади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 17.55—**Эшиттиришлар программаси.** 18.00—**Мушунлар—сичқонлар, Менинг яшил тимсоҳим** (қўғирчоқ фильмлар). 18.20—**Комиссар** (ҳужжатли фильм). 18.40 **Телеянгиликлар.** 18.50—**Кино янгиликлари.**

Ўзбек тилида: 20.20—**Ўзбек фут. болн тарихидан.** 20.45—**Телеянгиликлар.** 20.55—**Концерт.** 21.35—**Тентак одам** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55—**Эшиттиришлар программаси.** 18.00—**Қишлоғимиз болалари,** 18.20—**Париж.. Париж.** (ҳужжатли фильм).

Рус тилида: 19.05—**Сибирь трассасида** (ҳужатли фильм). 19.15—**Бўрилар ва қўйлар** (телеспектаклнинг иккинчи қисми). 20.45—Скульптор Екатерина Белашова (ҳужжатли фильм). 20.55—**Ла Скала театри солистларининг концерти.**

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—20/IX да **Ғавҳари шамчироқ,** 21/IX да **Ўғил уйлантириш.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—20/IX да **Парвона,** 21/IX да **Сарвқомат дилбарим.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Фантомас қутқармоқда—«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Денгиз ҳиқоялари—«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 8, 9.45 минутда).

ЁЗГИ БИНОДА

Фантомас қутқармоқда—«ФЕСТИВАЛ». НАВОИЙ номли.

Фантомас (I-серия) 8.15 минутда) **Оқ процесс** (10 да)—«ВАТАН».

Золтан Карпатнинг тақдири—ТЕЛЬМАН номли.

Денгиз ҳиқоялари—«ХИВА».

Хотин-қизларнинг ойда бир чиқадиган ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

„Саодат“

ЖУРНАЛИГА ОБУНА БОШЛАНДИ.

Обуна баҳоси:
Бир йилга 2 сўм 40 тийин,
Олти ойга 1 сўм 20 тийин,
Бир сони 20 тийин.

Обуна чекланмаган — ҳамма алоқа бўлимлари, барча жамоатчи вакиллар орқали қабул қилинади.

«САОДАТ» журналига обуна бўлишни унутманг!

«Главташкентстрой»
1.«ТАШТРАНСПЕЦСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ 5 МАХСУСЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРМАСИГА

йўл ишчилари, слесарь-сантехниклар, геодезистлар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи—ишбай.
Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

«УЗЭЛЕКТРОСБИТ»га

электр счётчикларини ўрнатиш ва алмаштириш электр монтёрлари, электр энергия ҳисоби бўйича контролёрлар, электр слесарлар касбига шогирдлар, инженерлар, техник-электриклар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 1 Май кўчаси, 101 уй (1, 2, 3, 4, 5, 13, 14 трамвайларнинг «Дизельний» тўхташ жойи). кадрлар бўлими. Телефон № В-3-19-242.

Узсельхозтехника
КАЛИНИН РАЙОНЛАРАРО САВДО БАЗАСИГА

бухгалтер, шофер, автонавновщик, экспедитор, қоровуллар, ишчилар

КЕРАК

Ходимлар ишдан қайтишида ва ишга боришида база транспортидан фойдаланадилар.

Мурожаат учун адрес: Собир Раҳимов станцияси (18 автобуснинг охирги тўхташ жойи).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 05642.
Индекс — 64697.
А. 1749.